

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЕТМУРАТОВ СУЛТАНМУРАТ РУСТЕМОВИЧ

**ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Давлетмуратов Султанмурат Рустемович

Хавф остида қолдиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.....3

Davletmuratov Sultanmurat Rustemovich

Criminal-legal and criminological aspects of endangerment23

Давлетмуратов Султанмурат Рустемович

Уголовно-правовые и криминологические аспекты оставления в опасности..39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЕТМУРАТОВ СУЛТАНМУРАТ РУСТЕМОВИЧ

**ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Yu310 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кабулов Рустам юридик фанлар доктори, профессор Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович юридик фанлар доктори, доцент
Етақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий-гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» октябрдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (935-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» октябрь куни тарқатилди.

(2020 йил __ октябрдаги __-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Тухташева,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Д.Г. Камалова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Н.С.Салаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар
доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари қонун ижодкорлигида инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги каби қадриятларни кўриқлаш учун «зарар етказма» йўналишидан «яқин кишига ёрдам бер» йўналишига эътибор кучаймоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ташқи омиллар, хусусан, хавф остида қолдириш, йўл-транспорт ҳодисаси, табиий офатлар, эҳтиётсизлик оқибатида етказилган жароҳат ҳамда ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаганлиги туфайли дунёда 2016 йилда 3430958 нафар, 2017 йилда 3470195 нафар, 2018 йилда 3538705 нафар, 2019 йилда 3617580 нафар, 2020 йилнинг биринчи ярмида эса 3650375 нафар шахс вафот этган¹. 2016–2019 йилларда мазкур сабаблар туфайли ўлим кўрсаткичи дунёдаги умумий ўлим кўрсаткичининг 6 %ни ташкил этади.

Жаҳонда шахсининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, хавф остида қолган ёки ёрдамга муҳтож шахсга ёрдам бериш мажбурияти (касбий ва бошқа нуқтаи назардан)ни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш мазкур соҳада чуқур тадқиқотларни олиб боришни тақозо қилмоқда. Ҳаёти ва соғлиғи хавф остида бўлган шахсга ёрдам бермаслик билан боғлиқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва жиноий қилмишга нисбатан адолатли жазо белгилаш, мазкур жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, айбдор шахсини таҳлил қилиш мақсадида хавф остида қолдиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида «жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданиятни сингдириш, уларни Конституция ва қонунларга амал қилиш руҳида тарбиялаш»² каби масалалар кўриб чиқилган. Шу сабабли ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар, хусусан, хавф остида қолдириш жинояти учун жавобгарлик масалаларини тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида хавф остида қолдириш, жумладан, ҳайдовчи транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши оқибатида хавф остида қолдириш жиноятлари сони 2018 йилда 65 та, 2019 йилда 52 та, 2020 йилнинг биринчи

¹ https://www.who.int/gho/publications/world_health_statistics/2020/en/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон қарори.

ярим йиллигида 39 тани ташкил этган. Бу эса хавф остида қолган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини муҳофаза қилиш лозимлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2014), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон ва «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон фармонлари, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон ва «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижросини амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мавзу билан боғлиқ муаммолар етарлича бўлишига қарамадан, шу пайтгача бундай муаммоларнинг ечими билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган.

Ўзбекистонда хавф остида қолдириш учун жиний жавобгарлик муаммолари атрофлича ўрганилмаган, унинг айрим жиҳатлари Қ.Р.Абдурасулова, Б.А.Аҳмедов, М.С.Восиқова, М.Ҳ.Рустамбоев, Ф.Тахиров, Э.О.Турғунбоев, Ғ.О.Эрматов, М.Қодиров, Ш.Д.Ҳайдаровларнинг илмий ишларида қисман ёритиб ўтилган.

Тадқиқот мавзуси билан боғлиқ масалалар С.Н.Алексеев, Н.Г.Александрова, А.А.Быков, А.И.Гражданкин, А.Р.Даянова, Н.А.Карпова, Т.В.Кирпиченко, А.Н.Красиков, С.И.Молчанова, Н.С.Мостовой, П.И.Орлов, А.К.Оспан, А.А.Пионтковский³ ва бошқа қатор олимлар томонидан махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

Диссертация тадқиқоти мавзусига яқин муаммоларга доир асарлар анча кўп бўлса-да, хавф остида қолдириш учун жавобгарликка нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас, ушбу муаммоларга доир комплекс тадқиқотлар ўтказилмаган. Бу хавф остида қолдириш учун жавобгарликка тааллуқли бўлган бир қатор муҳим қоидаларни чуқур таҳлил қилишни тақозо этади,

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шунингдек, диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги ҳамда унинг илмий ва амалий аҳамиятини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади амалдаги қонунчилик, хавф остида қолдириш учун жавобгарлик муаммолари юзасидан илмий-назарий қарашлар, суд-тергов амалиёти материаллари, статистика ва таҳлилий маълумотлар асосида хавф остида қолдириш тўғрисидаги норманинг самарали қўлланиш омилларини аниқлаш, хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хавф остида қолдириш тушунчаси, унинг учун жавобгарликнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

хавф остида қолдириш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш босқичларини ўрганиш;

айрим хорижий давлатлар жиноят қонунларида хавф остида қолдириш учун жавобгарликни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

хавф остида қолдиришнинг объектив белгиларини ёритиш;

хавф остида қолдиришнинг субъектив белгиларини ёритиш;

хавф остида қолдиришни квалификация қилиш ва унинг ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқларини ажратиш;

хавф остида қолдириш учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти хавф остида қолдирганлик учун жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини хавф остида қолдириш учун жавобгарлик масалаларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мавжуд статистик маълумотлар, суд-тергов амалиётига доир ҳужжатлар, илмий-назарий адабиётлар ҳамда айрим хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиб чиқиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хавф остида қолдириш учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаси санкциясининг биринчи қисмига уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари кўринишидаги жазони киритиш лозимлиги асосланган;

ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқаш имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни

камайтириш чораларини кўриши мажбурияти қонунда мустаҳкам асослаб берилган;

йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор ва жабрланувчи, унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ҳайдовчи транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳамда хавф остида қолдириш жиноятлари учун жавобгарликка тортилиши лозимлиги исботланган;

хавф остида қолдириш жинояти профилактикасини ташкил этиш, хусусан, оромгоҳларда хавф остида қолдиришнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар кўриш лозимлиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалиётда турли муаммоларнинг олдини олиш мақсадида «хавф остида қолдириш» ва «хавф остига тушириш» тушунчаларини ажратиш зарурати асосланган;

хавф остида қолдириш ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва турли сабабларга кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам бериш шарт ва бундай имкониятга эга бўла туриб ёрдам кўрсатмаслик (ҳаракатсизлик орқали) сифатида таъриф бериш зарурати асосланган;

хавф остида қолдириш жиноятига қарши курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмлари, шу жумладан, назоратни кучайтириш, хавф остида қолдириш жиноятини содир этган шахсларни аниқлаш ва тергов қилишнинг махсус таомилларини белгилаш лозимлиги асослантилган;

агар жабрланувчининг ўлими билан эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш ва узоқ вақт ёрдам кўрсатмаслик ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлса, қилмиш ЖКнинг эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш ва одам ўлишига олиб келган хавф остида қолдириш учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар билан квалификация қилиниши лозимлиги исботланган;

хавф остида қолдириш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорини қабул қилиш зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг янги таҳрири ишлаб чиқилган ҳамда қасддан хавф остига тушириш учун жавобгарлик белгилаш асослантилган;

жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, хавф остида қолдиришга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, тадқиқот доирасида ижтимоий сўров (350 нафар суд-тергов амалиёти ходимлари, профессор-ўқитувчилар, адвокатлар ўртасида) ўтказилди; тадқиқ этилаётган жиноятга доир 55 та ҳукмлар таҳлил қилинди; статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди. Хулоса, тақлиф ва тавсиялар

апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундаки, ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш, криминология, виктимология, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хавф остида қолдириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хавф остида қолдириш учун жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси биринчи қисми санкция қисмига уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари кўринишидаги жазони киритиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сон қонуни 3-моддасининг 32-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши хавф остида қолдириш учун муқобил жазоларни қўллаш самарадорлигини ошириш ва жазо мақсадларига эришишга хизмат қилган;

ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқаш имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни камайтириш чораларини кўриши мажбурияти тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 10-сонли «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 13-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 13 майдаги 08/УМ-305-19-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши тегишли мажбуриятни бажармаган ҳайдовчини хавф остида қолдирганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўлиб хизмат қилган;

йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор бўлган ва жабрланувчини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ҳайдовчи ЖК 266 ва 117-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий

суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 10-сонли «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 17-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 13 майдаги 08/УМ-305-19-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши айбдор қилмиши тўғри квалификация қилиниши ва ўша қилмишга адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган;

хавф остида қолдириш жинояти профилактикасини ташкил этиш, хусусан, оромгоҳларда хавф остида қолдиришнинг олдини олиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 18 майдаги 77-сон «Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 25 августдаги 191-сон «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 8 майдаги 33/01-01/1274-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши хавф остида қолдириш жинояти профилактикасининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 13 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарликнинг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда хавф остида

қолдириш тушунчаси ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, хавф остида қолдириш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи, айрим хорижий давлатлар жиноят қонунларида хавф остида қолдириш учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан хавф остида қолдириш тушунчасига таъриф ишлаб чиқилган: «шахс ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўла туриб, унга ёрдам кўрсатмаслиги ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган, одам, одамлар ўлими ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган ижтимоий хавфли қилмиш».

Муаллиф диссертацияда хавф остида қолдириш масаласи ахлоқ нормалари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтган. Ахлоқ жиноят ҳуқуқи нормаларининг мазмунига анча кучли таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳам ахлоқ нормаларига ўз таъсирини кўрсатади. Қайси зарарли қилмишларни давлат ўта хавфли деб ҳисоблашини кўрсатиш орқали у айна пайтда уларни ахлоққа зид деб ҳам эътироф этади. Шу тариқа жиноят қонунчилиги ахлоқ нормалари учун аниқ мўлжал бўлиб хизмат қилади. Жиноят-ҳуқуқий нормалар, шу жумладан, улар жиноий ҳаракатсизлик (ўз хизмат вазифасини бажаришга совуққонлик билан қараш, ёрдам кўрсатмаслик ва б.қ.) учун жазо билан таҳдид қилган ҳолда ҳам тақиқлар сифатида таърифланади. Бу нормалар шахс зарарли оқибатларга йўл қўймаслиги мумкин ва шарт бўлган жойда пассив хулқ-атворни тақиқлайди. Масалан, чўкаётган одамни қутқарган шахс жиноят-ҳуқуқий норма нуқтаи назаридан фақат ўз фуқаролик бурчини бажарган инсон ҳисобланади. Агар у чўкаётган одамни қутқариш имкониятига эга бўла туриб, уни қутқармаган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилган бўлар эди, бироқ фақат у махсус субъект белгиларига эга бўлса. Жиноий деб топилган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгилангани улар ахлоққа зид эканлигига ҳам ишора қилади. Шу тариқа фуқароларни маънавий тарбиялаш амалга оширилади. Албатта, ахлоқий асос, яъни қонунни жиноят ҳуқуқи нормаларидан кўрққани учун эмас, балки онгли равишда ижро этиш фуқаролар хулқ-атворини тартибга солишининг энг яхши воситаси ҳисобланади. Бироқ жамият ривожланиш жараёнининг муайян босқичларида, маънавий негизлар таназзулга юз тутган даврларда айнан жиноят қонунчилиги маънавий-ҳуқуқий онгни тарбиялашга кўмаклашади. Хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарлик ижтимоий жавобгарлик ва ахлоқий хулқ-атворни тарбиялашнинг айна шундай омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур норманинг самарадорлиги дарҳол намоён бўлмаслиги мумкин. Кишиларни дарҳол маънавий етук бўлишга мажбурлаш ва фақат ҳаракатсизлик учун жазо белгилаш йўли билан ўз ҳамфуқароларига нисбатан бурчлилик ҳиссини тарбиялаш мумкин эмас. Уни ривожлантириш учун замин аста-секин яратилади. Бундай жиноий жавобгарликни белгилашнинг самараси аввалига тақиқланган ҳаракатсизликни содир этиш ҳоллари маълум даражада камайишида

ифодаланиши мумкин. Муҳими шундаки, фуқаролар бундай ҳаракатни ғайриқонуний ва жамиятда мутлақо номақбул деб ҳисоблай бошлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, жиноят-ҳуқуқий чораларнинг самарадорлиги тегишли нормаларни қўллаш амалиёти билан белгиланади, бироқ у доим ҳам дарҳол ва тўлиқ намоён бўлавермайди, баъзан статистика у ёки бу таъсир чорасининг мақсадга мувофиқлигини намоёиш этгунга қадар норма кўп карра ўзгариши мумкин. Шундай қилиб, ҳар қандай одамга ёрдам кўрсатмаганлик учун жинойий жавобгарликни жорий этиш йўли билан фуқароларни бир-бирига ҳурмат ва қонунни онгли равишда ижро этиш руҳида маънавий тарбиялаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи ўз негизида ҳар доим ахлоқий бўлган. У ахлоқ нормаларидан келиб чиққан ва ўз таъсири билан маънавиятни мустаҳкамлаган. Фуқаролар жиноят ҳуқуқи нормаларига риоя этишлари жазодан кўрқишга эмас, балки, энг аввало, ички эътиқод ва ахлоқий тақиққа асосланган. Жиноят ҳуқуқи ва ахлоқ ҳар доим бир-бири билан ўзаро алоқага киришади. Жамиятда маънавий юксалиш жараёнлари юз берган даврларда устунлик жиноят-ҳуқуқий нормалардан ахлоқ қоидаларига ўтади. Ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш маънавий бурчни англаш ҳисси билан таъминланади.

Диссертацияда хавф остида қолдириш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари ривожланиши тарихи ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги ЖК ва Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги ЖКда белгиланган нормалар қуйидагиларга кўра фарқланиши кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, 1959 йилги ЖКда шахснинг фақат ҳаёти хавфсизлигини таъминлайдиган муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти доирасига киритилган (ҳаёти хавф остида қолган шахс – 1959 йилги ЖК 108-моддаси). 1994 йилги ЖКда эса шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлайдиган муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти доирасига киритилган (ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахс – 1994 йилги ЖК 117-моддаси);

иккинчидан, 1959 йилги ЖКда хавф остида қолдириш формал таркибли жиноят сифатида баҳоланган (108-модда, 109-модда биринчи қисми, 110-модда). 1994 йилги ЖКда хавф остида қолдириш моддий таркибли жиноят ҳисобланади, яъни қилмишни ЖК 117-моддаси билан квалификация қилиш учун баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, одам, одамлар ўлими ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлиши керак (ЖК 117-моддаси 1 – 3-қисмлари);

учинчидан, 1959 йилги ЖК 108-моддасига кўра, айбдор жабрланувчига ғамхўрлик қилиши шарт бўлган шахс ҳисобланади. 1994 йилги ЖКда эса айбдор ёрдамга муҳтож шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлиши лозимлиги қонунда аниқ белгилаб қўйилди;

тўртинчидан, 1959 йилги ЖКда «беморларга тиббиёт ёрдами кўрсатмаслик ёки бу ёрдамни тегишинча кўрсатмаслик» учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. 1994 йилги ЖК бўйича ҳам бу қилмиш хавф остида қолдиришга нисбатан махсус норма сифатида ажратилган. Аммо, фарқ

шундаки, ЖК 116-моддаси «Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик» деб номланган бўлиб, унда нафақат тиббиёт ходимлари, балки бошқа кўплаб касб эгаларининг ҳам жавобгарлиги аниқ белгиланган. Бу эса ижтимоий муносабатлар кундан-кунга такомиллашиб бораётган бугунги кун талабларига мувофиқдир;

бешинчидан, 1959 йилги ЖКда «кема капитани томонидан ҳалокатга учраганларга ёрдами кўрсатмаслик» учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. 1994 йилги ЖК бўйича эса бу қилмиш «хавф остида қолдириш»нинг ўзи билан қамраб олинган;

олтинчидан, 1959 йилги ЖКда хавф остида қолдириш билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлашда муайян муаммолар мавжуд бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун дифференциация қилиш ва индивидуаллаштириш қоидалари инобатга олинмаган. 1994 йилги ЖКда эса қилмишдан келиб чиқадиган оқибатга қараб қайд этилган қоидалар инобатга олинган.

Диссертация доирасида хавф остида қолдириш учун жавобгарлик белгиловчи хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилинган. Барча МДХ мамлакатларининг ЖКларида «башарти айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса» мазмунидаги норма мавжуд. Аммо, Озарбайжон ЖКнинг 143-моддасида юқорида қайд этилган нормага қўшимча равишда «унга ғамхўрлик қилишга мажбур бўлган»лиги ҳолати келтирилган. Худди шундай ҳолат Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги ЖКнинг 108-моддасида ҳам, яъни «...агар ўша шахс ҳақида ғамхўрлик қилиш ёрдамсиз қолдирган кишининг зиммасида бўлса...» деган норма мавжуд эди. Ғамхўрлик қилиш ёрдам бериш тушунчасидан фарқли хусусиятларга эга бўлиб, маълум муддат мобайнида шахс ҳақида қайғуриш, уни моддий ва бошқа жиҳатдан таъминлаш каби вазифаларни ўз бўйнига олган шахсларга нисбатан қўлланилади. Яъни, ғамхўрлик қилиш тўсатдан содир бўлган ҳолат юзасидан (одатда, нотаниш шахсларга нисбатан) қўлланилмайди. Масалан, шифокор ёрдамга муҳтож ҳар қандай шахсга ёрдам бериши шарт ҳисобланади, агар бундай ҳолатдаги шахсга ёрдам кўрсатмаса, «ёрдам кўрсатмаслик» деб баҳоланаверади. Ғамхўрлик қилишда эса шахс олдиндан жабрланувчи шахсни таниган, айнан у ҳақида ҳамхўрлик қилишни ўз бўйнига олган бўлади. Бундан кўринадики, ёрдам кўрсатишнинг шартлиги барчага нисбатан татбиқ этилса, ғамхўрлик қилиш индивидуал аҳамият касб этади. М.С.Восиқованинг қайд этишича, ғамхўрлик қилиш мажбурияти қариндошлик, эр-хотинлик, ота-оналик муносабатларидан келиб чиққан ва хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган бўлиши мумкин.

Айрим мамлакатлар ЖКларида хавф остида қолдириш бўйича бошқа жиноят таркиблари ҳам мавжуд. Масалан, РФ ЖКнинг 124-моддасида, Қозоғистон ЖКнинг 118-моддасида, Озарбайжон ЖКнинг 142-моддасида ва Молдова ЖКнинг 162-моддаларида «беморларга ёрдам кўрсатмаслик» учун алоҳида жиноят таркиби сифатида жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, Грузия ЖКнинг 279-моддасида «капитаннинг ўз кемасини хавф остида қолдириши» учун жавобгарлик назарда тутилган. Биз олдинги

параграфларда таҳлил қилганимиздек, худди шунга ўхшаш жиноят таркиби Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги ЖКда мавжуд эди. Аммо, 1994 йилги Ўзбекистон Республикасининг ЖКда бу ҳолат ЖК 117-моддаси мазмунига сингдирилди ва алоҳида норма сифатида белгиланмаган. Сабаби, ЖК 117-моддасида назарда тутилган норма бундай ҳолат учун жавобгарликни қамраб олади.

Муаллиф томонидан хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарлик белгиловчи узоқ хорижий мамлакатлар қонунчилиги ўрганилиб, айрим ўзига хос жиҳатлар ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, хавф остида қолдириш учун АҚШ, Япония, Эрон ва айрим Европа мамлакатларида жиноий жавобгарлик белгиланган, хавф остида қолдиришни жиноят сифатида белгилашнинг асосий мезони сифатида шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ёхуд етказилиши мумкинлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКдан фарқли ўлароқ, айрим хорижий мамлакатларда мазкур жиноят формал таркибли жиноят саналади. Жумладан, РФ, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси ЖКда хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарлик оқибат вужудга келишидин қатъи назар вужудга келади. Роман-герман ва МДХ мамлакатларида жиноят субъекти сифатида хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс тушунилади. АҚШ, Япония, Испания, Польша каби мамлакатларда жиноят субъекти умумий бўлиб, хавф остида бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаган ҳар қандай шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Мисол учун, Испания ЖКнинг 195-моддасида жиддий хавф остида бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик учун, агар бундай ёрдам бошқа инсонлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмаса, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Диссертациянинг «**Хавф остида қолдиришнинг юридик таҳлили**» номли иккинчи бобида хавф остида қолдиришнинг объектив белгилари таҳлили, хавф остида қолдиришнинг субъектив белгилари таҳлили, хавф остида қолдиришни квалификация қилиш ва унинг ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлари ёритилган.

Хавф остида қолдириш жинояти объектини ўрганиш жараёнида шуни қайд этиш лозимки, у жабрланувчининг модда диспозициясида кўрсатилган белгилари: ҳаёт ёки соғлиқнинг хавф остида қолгани, ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлганлиги билан тавсифланади. Қайғуриш мажбурияти фақат шу тоифадаги шахсларга нисбатан белгиланган. Айни шу хусусиятлар бевосита объектлар – **бевосита асосий объект сифатидаги ҳаёт ёки соғлиқнинг хавфсизлиги ва қўшимча объект сифатидаги ҳаёт ёки соғлиққа** ишора қилади. Улар мазкур ҳолатларга кўра жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини кўрсатади. Бошқа омиллар мавжуд бўлган ҳолда, ушбу шартларнинг йўқлиги хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарликни истисно қилади. Биринчи ҳолда, шахснинг ёрдам кўрсатиш мажбурияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ юзага келганда, ожиз аҳволдаги шахслар ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлиги қўшимча объект ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган хусусиятларга эга бўлмаган шахслар ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлиги айбдор ўз ҳаракатлари билан жабрланувчини

хавфли аҳволда қолдирган ҳолдагина жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остига олиниши лозим. ЖКнинг 117-моддасида хавф остида қолдириш жиноятининг бевосита объектини тавсифловчи белгилар мустаҳкамланган.

Юридик таҳлил натижасида хавф остида қолдиришнинг махсус объекти шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, турдош объекти эса шахснинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар эканлиги, хавф остида қолдиришнинг бевосита асосий объекти шахснинг ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлиги, бевосита қўшимча объекти эса шахснинг ҳаёти ёки саломатлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган.

Муаллифнинг фикрича, хавф остида қолдиришда шахс ўз ҳаракатсизлигининг жинойий хусусиятини аниқ англаши, бироқ оқибатлар юз бериши мумкинлигини абстракт тахмин қилиши лозим. Жинойий қилмишнинг юз бериши мумкин бўлган оқибатлари жиноятчининг онгида турли даражада акс этганини суд қасддан жиноят содир этишда айбдор шахсларнинг жавобгарлигини дифференциация қилиш ва индивидуаллаштиришда, албатта, ҳисобга олиши керак. Бунда хавф остида қолдиришда жавобгарлик амалда юз берган оқибатларга қараб дифференциация қилиниши лозим.

Муаллиф таъкидлаганидек, хавф остида қолдириш объектив томондан қуйидаги икки ҳолатда содир этилиши мумкин: биринчидан, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва турли хил сабабларга кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам берилиши шарт ва бундай имкониятга эга бўла туриб ёрдам кўрсатмаслик (ҳаракатсизлик орқали); иккинчиси, жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйиш (ҳаракат орқали). Бундан кўринадики, хавф остида қолдириш ҳам ҳаракатсизлик, ҳам ҳаракат орқали содир этиладиган жиноят ҳисобланади.

Ҳаракатсизлик муайян жиноят таркиби объектив томонининг белгиси деб топилиши учун ҳаракатсизлик айнан нимада ифодаланганини аниқлаш талаб этилади. Хавф остида қолдириш жинояти объектив томонининг белгиси сифатида айбдор жабрланган шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлгани ҳолда, унга ёрдам кўрсатмаслиги назарда тутилган. Айбдор шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича айнан қайси ҳаракатларни бажариши лозим бўлганини аниқлагач, айбдорнинг бундай ёрдамни кўрсатиш мажбурияти бор-йўқлигини аниқлаш талаб этилади.

Муаллифнинг фикрича, хавфли аҳволга солиб қўйиш жабрланувчининг соғлиғига қасддан зарар етказишга қаратилган ҳаракатлар билан амалга оширилиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар учун жиноят қонунида алоҳида жавобгарлик назарда тутилган. Бошқача ёндашувда шахсга нисбатан қасддан содир этиладиган ҳар қандай тажовуз, агар у хавфли аҳволда ташлаб кетиш билан бирга амалга оширилган бўлса, айбдор ЖК 117-моддаси бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келиши лозим бўладики, бу тўғри эмас.

Муаллифнинг фикрича, шахснинг хавф остида қолган шахсга ёрдам бериш мажбурияти қуйидаги ҳолатларга кўра юзага келиши мумкин:

1) қонун ёки қонун ости ҳужжатининг тўғридан-тўғри кўрсатмасига кўра. Масалан, транспорт воситасини бошқараётган шахс йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши шарт;

2) шартномага мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларга кўра;

3) шахснинг хизмат вазифалари ёки касб-корига кўра;

4) қариндошлик (оилавий) муносабатларига кўра;

5) муайян ҳаракатларни бажариш мажбурияти шахснинг бундан олдинги ҳаракатлари туфайли юзага келиши ҳам мумкин. Буни биз хавф остида қолдириш жиноятининг таркибида кузатишимиз мумкин (агар айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган бўлса).

Муаллифнинг фикрича, ёрдамсиз қолдириш кенгроқ тушунча бўлиб, у ёрдам кўрсатмасликни ҳам ўз ичига олади. Хавф остида қолдиришнинг ёрдам кўрсатмасликдан юзаки фарқи шундаки, хавф остида қолдириш жабрланувчи турган жойни тарк этиш йўли билан амалга оширилади, яъни айбдорнинг ёрдам кўрсатишдан бўйин товлашга қаратилган фаол ҳаракатини назарда тутлади. Бундай хулқ-атвор учун жавобгарлик фақат жабрланувчининг хавфсизлигига таҳдид туғилгунга қадар ёрдам кўрсатиш ҳукукий мажбуриятига эга бўлган шахс учун келиб чиқади. Ёрдам кўрсатмаслик жабрланувчини қутқариш учун зарурий ҳаракатларни бажармасликни назарда тутлади. Мазкур хулқ-атвор учун жавобгарлик мажбуриятли шахс учун ҳам, хулқ-атвори ҳаёт ёки соғлиқ учун хавф юзага келишига сабаб бўлган ҳар қандай шахс учун ҳам кўзда тутилган. Фарқнинг моҳияти шундаки, хавф остида қолдиришда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига у ҳақда қайғуриш мажбуриятини бажаришни талаб қилувчи хавф туғилади, бироқ зарурий ва кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни талаб қилувчи хавф ҳали мавжуд бўлмайди. Бундай вазият қайғуриш мажбурияти узоқ вақт бажарилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин. Масалан, субъект доимий қаровга муҳтож бўлган жабрланувчини била туриб ташлаб кетади. Натижада жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигига таҳдид юзага келади, бироқ унинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид солувчи, кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни талаб қилувчи хавф ҳали мавжуд бўлмайди. У кейинроқ, орадан маълум вақт ўтганидан сўнг юзага келиши мумкин. Агар жабрланувчи ўз хавфсизлигини мустақил равишда таъминлаган ёки у ҳақда қайғурадиган учинчи шахслар топилган бўлса, субъектнинг ёрдами умуман талаб этилмаслиги ҳам мумкин. Лўнда қилиб айтганда, ёрдам кўрсатмаслик ҳар доим ёрдамсиз қолдириш билан боғлиқ бўлади, бироқ ёрдамсиз қолдириш бевосита ёрдам кўрсатмаслик билан доим ҳам боғлиқ бўлавермайди.

Муаллиф таъкидлаганидек, хавф остида қолдириш жиноятида оқибатлар юз беришини олдиндан кўра билиш фақат абстракт бўлиши мумкин ва ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли ҳисобланган таҳдиднинг хусусияти ва даражаси билан белгиланади.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти 16 ёшга тўлган махсус субъект эканлигини, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ва ёрдам кўрсатиш имконияти махсус белгилар ҳисобланишини, хавфли аҳволга

солиб қўйиш субъектнинг қасдан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ бўлмаган хулқ-атвори натижасида юз беришини, яъни субъект жабрланувчига бевосита таъсир кўрсатмаслигини, Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг конструкциясида бу ҳолат фақат ёрдам кўрсатиш мажбуриятининг юзага келиш шарти сифатида амал қилишини алоҳида таъкидлайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Хавф остида қолдиришнинг кримнологик жиҳатлари**»га бағишланган бўлиб, унда хавф остида қолдиришнинг сабаблари ва имкон яратиб берган шарт-шароитлари, хавф остида қолдиришнинг профилактикаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хавф остида қолдириш жинояти содир этилишининг шарт-шароитларини муаллиф қуйидагича таснифлаган: а) жиноят содир этилишига туртки берувчи шарт-шароитлар (касбий билимларнинг етарли эмаслиги, ходимларнинг ўз касб-вазифаларига лоқайдлиги, корхона, муассаса, ташкилотларда ходимлар устидан назоратнинг самарали эмаслиги); б) жиноят содир этилишини қулайлаштирувчи шарт-шароитлар в) жиноятнинг латентлигини таъминловчи шарт-шароитлар (касб ходимларининг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, фуқароларнинг ҳуқуқий ва тиббий онги пастлиги ва ҳ.к.);

Муаллифнинг фикрича, жамият ҳаётининг маданий соҳасидаги нуқсонлар ҳам хавф остида қолдириш жиноятини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Айнан маданият фуқароларда эҳтиёжларнинг ижтимоий иерархиясини шакллантириши ва уларни қондириш усуллари белгиланиши ҳисобга олинмаган бўлса, ёшларда ғайриқонуний хулқ-атвор андозалари пайдо бўлаётгани аён бўлади. Ҳозирги оммавий маданият, оммавий ахборот воситалари ва кинематография аксарият ҳолларда муносиб фуқаронинг ижтимоий-руҳий фазилатлари шаклланишига нафақат кўмаклашмайди, балки аксинча, қонунга бўйсунувчи фуқаро, баъзан, ҳатто, ҳалол, виждонли инсон мақомига мутлақо мувофиқ келмайдиган идеалларни тарғиб қилади.

Хавф остида қолдириш жиноятининг олдини олиш бўйича умумий чора-тадбирлар сифатида қуйидагилар диссертацияда кўрсатиб ўтилган: аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг юқорида зикр этилган жиноятларга қарши курашиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали янада фаол ахборот бериш, фуқароларга шундай жиноят содир этилган тақдирда тегишли тармоқда назоратни амалга оширувчи давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқларини кўрсатиб беришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, тегишли касб соҳалари ўртасида уларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириб боришга қаратилган семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этиш хавф остида қолдириш жиноятига қарши курашнинг муҳим шартидир.

Тадқиқотчининг фикрича, хавф остида қолдириш жиноятининг олдини олиш бўйича қуйидаги махсус чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

